



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2024

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№12 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2024-12>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'afvor**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Artur Gambaryan**  
yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)  
**Yosuke Shamoto**  
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xusanov Ozod Tillabayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Selimanova Svetlana Mixaylovna**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Peshkova Xristina Vyacheslavovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**Sung Un Lee**  
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ruziyev Rustam Jabborovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**  
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)  
**Ahmad Issa Altweissi**  
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**  
Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Gasanov Mixail Yuriyevich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)  
**Denisov Gleb**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliyev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirzov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govverjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)


<b>1. Xidoyatov Parvizbek Istamovich</b> EKSPERIMENTAL TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY TABIATI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI.....	5
<b>2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o'g'li</b> XIX-XX ASRLARDA ISLOM HUQUQIDA MOLIYA INSTITUTINING RIVOJLANISHIGA TA'SIR KO'RSATGAN SIYOSIY-HUQUQIY JARAYONLAR.....	12
<b>3. Хамдамова Фируза Уразалиевна</b> ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ.....	23
<b>4. Шорахимов Хусан Муроджон ўғли</b> ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	32
<b>5. Abdullayev Jamshid Djamilovich</b> TIBBIY XIZMAT KO'RSATISH BO'YICHA AYRIM SHARTNOMAVIY MUNOSABATLARNI FUQAROLIK HUQUQIY TARTIBGA SOLISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	41
<b>6. Воснев Жамшид Мустафоевич</b> ИНСОННИНГ БИОМЕХАНИК ЎЗГАРИШИДА ШАФФОФЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ.....	49
<b>7. Ашурова Нилуфар Ўктамовна</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ: ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА НИСБАТАН ЖАВОБГАРЛИК.....	63
<b>8. Давлетмуратов Султанмурат Рустемович</b> АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	75
<b>9. Хайдаров Шухратжон Джумаевич</b> ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	82
<b>10. Иброхимов Бахтиёр Тойиржонович</b> ПРОКУРОРНИНГ ЖИНОЯТ ИШИ КЎЗГАТИШ БОСҚИЧИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	90
<b>11. Ширинкулов Бахтиёр Ифтихор ўғли</b> ҚУРИЛИШДА МЕҲНАТ МУҲОФЗАСИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ: СУБЪЕКТ ВА ЖАБРАНУВЧИ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	99
<b>12. Xaydarov Mirsaid Mirjabborovich</b> KUCHLI TA'SIR QILUVCHI YOKI ZAHARLI MODDALARNI QONUNGA XILOF RAVISHDA MUOMALAGA KIRITISHGA QARSHI KURASHISHNING AYRIM JIHATLARI.....	107



**Давлетмуратов Султанмурат Рустемович,**  
 Қорақалпоғистон Республикаси суди судьяси  
 Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
 E-mail: dauletmuratov82@mail.ru

## АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**For citation:** Davletmuratov Sultanmurat Rustemovich. CRIMINAL LIABILITY FOR VIOLATIONS OF LABOR PROTECTION REGULATIONS IN SOME FOREIGN COUNTRIES: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS. Journal of Law Research. 2024, 9 vol., issue 12, pp.75-81

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14259924>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада айрим хорижий давлатларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили берилган. Тадқиқотда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Украина ва Грузия каби давлатларда меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жиноий жазоларнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Ушбу давлатларда меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузиш ҳолатлари, ушбу қонунбузарликларнинг оқибатлари ва бундай ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жиноий жазолар таҳлил қилинган. Мақолада ҳар бир давлатнинг меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва уларнинг ижросига оид ўзига хос хусусиятлари кўрсатилиб, уларда жиноий жавобгарликнинг ўзига хос жиҳатлар ва уларнинг самарадорлиги ҳақида маълумот берилган. Ушбу тадқиқот натижалари меҳнат ҳуқуқи соҳасида фаолият юритаётган ҳуқуқшунослар, давлат органлари ва қонун чиқарувчиларга меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқий тизимларни такомиллаштириш ва иш жойларида хавфсизликни таъминлаш борасида таклифлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** меҳнат муҳофазаси, жиноий жавобгарлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, меҳнат ҳуқуқлари, меҳнат хавфсизлиги, иш жойи хавфсизлиги, санитария-гигиена қоидалари, касбий хавфсизлик.

**Давлетмуратов Султанмурат Рустемович,**  
 Судья суда Республики Каракалпакстан  
 Доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
 E-mail: dauletmuratov82@mail.ru

**УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА НАРУШЕНИЯ ПРАВИЛ ОХРАНЫ ТРУДА В  
 НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ: СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ**

## АННОТАЦИЯ

В статье проводится сравнительно-правовой анализ уголовной ответственности за нарушение правил охраны труда в некоторых зарубежных странах. В исследовании рассматриваются правовые основы уголовного наказания за нарушения охраны труда в таких странах, как Азербайджан, Армения, Республика Беларусь, Казахстан, Молдова, Таджикистан, Российская Федерация, Туркменистан, Украина и Грузия. Проанализированы случаи нарушений охраны труда в этих странах, последствия этих нарушений и уголовная ответственность за такие нарушения. В статье показаны нормы охраны труда каждого государства и особенности их реализации, а также приведены сведения об отдельных аспектах уголовной ответственности и их эффективности. Результаты данного исследования служат основой для внесения предложений юристам, государственным органам и законодателям, работающим в сфере трудового права, по совершенствованию правовых систем, связанных с охраной труда и обеспечением безопасности на рабочих местах.

**Ключевые слова:** охрана труда, уголовная ответственность, сравнительно-правовой анализ, трудовые права, охрана труда, безопасность труда, санитарно-гигиенические правила, охрана труда.

**Davletmuratov Sultanmurat Rustemovich,**  
Judge of the Court of the Republic of Karakalpakstan  
Doctor of Philosophy in Law (PhD)  
E-mail: dauletmuratov82@mail.ru

## CRIMINAL LIABILITY FOR VIOLATIONS OF LABOR PROTECTION REGULATIONS IN SOME FOREIGN COUNTRIES: A COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

### ANNOTATION

This article provides a comparative legal analysis of criminal liability for violation of labor protection regulations in some foreign countries. The research examines the legal basis of criminal penalties for labor protection violations in countries such as Azerbaijan, Armenia, the Republic of Belarus, Kazakhstan, Moldova, Tajikistan, the Russian Federation, Turkmenistan, Ukraine, and Georgia. Cases of labor protection violations in these countries, the consequences of these violations, and the criminal penalties for such violations were analyzed. The article shows the labor protection regulations of each state and the specific features of their implementation, and provides information about specific aspects of criminal responsibility and their effectiveness. The results of this research serve as a basis for making proposals to lawyers, state bodies and legislators working in the field of labor law to improve legal systems related to labor protection and ensure safety in workplaces.

**Keywords:** labor protection, criminal responsibility, comparative legal analysis, labor rights, labor safety, workplace safety, sanitary-hygiene rules, occupational safety.

Меҳнат муҳофазаси – ҳар бир давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган масала. Ҳар йили жаҳон бўйлаб меҳнат жараёнлари давомида шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид солувчи кўплаб ҳолатлар рўй беради. Ушбу масалага ечим топиш, жамиятдаги меҳнат муносабатларини мустаҳкамлаш ва одамларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун самарали механизмлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Украина ва Грузия каби давлатлар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши билан боғлиқ жиноий жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий механизмларга эга. Ушбу тадқиқотда ушбу давлатлар ҳуқуқий тизимларида меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши учун жиноий жавобгарликнинг таърифлари, жавобгарлик шакллари ва уларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг мақсади – бу давлатларда меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши ҳолатлари учун жиноий жавобгарликни аниқлаш, улар орасидаги ўхшашликлар ва фарқларни ўрганиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдир. Ушбу тадқиқот натижалари ҳуқуқшунослар, давлат органлари ва фуқаролар учун меҳнат муҳофазаси соҳасидаги жиноятларни камайтириш ва жамиятнинг хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишга хизмат қилади.

**Озарбайжон ЖК 162-моддаси** меҳнат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузишни жиноят сифатида тан олади. Бу моддада ушбу ҳуқуқбузарликнинг диспозицияси, яъни ўзаги, аниқ ва равшан тарзда берилган [1]. Диспозиция меҳнат хавфсизлиги ёки бошқа меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилган ҳолларда содир бўлади, агар бу ҳолат:

- касбий масъулият: меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузишни содир этган шахснинг бу қоидаларга риоя қилиш бўйича масъуллиги бўлиши керак. Яъни, у меҳнат хавфсизлиги учун жавобгар бўлган шахс сифатида фаолият юритган бўлиши зарур.

- зарар етказилиши: агар қоидаларнинг бузилиши натижасида инсон саломатлигига жиддий зарар етса, бу ҳолатни жиноят деб ҳисоблаш мумкин. Бундай зарар меҳнат жараёнида, механизмлар, ускуналар ёки бошқа хавфсизлик стандартлари бузилгани сабабли юзага келади.

- одам ўлими: агар бу бузилиш натижасида инсон ўлиши содир бўлса, бу эса ҳуқуқбузарликнинг янада оғирлашишини кўрсатади.

ЖК 162-моддасидаги диспозиция меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги қоидаларнинг аҳамиятини ва бу қоидаларнинг бузилиши натижасида юзага келадиган салбий оқибатларни аниқ кўрсатади. Ушбу модда шундан далолат берадики, меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш учун давлатнинг қонунчилиги, меҳнат шартномалари ва шахсларнинг жавобгарлиги ўзгармас даражада муҳимдир. Шунингдек, мазкур модда меҳнат ҳуқуқлари ва хавфсизлигига нисбатан жиноий жавобгарликнинг ўзгараётган стандартларини яратишда асосий механизмлардан бири сифатида хизмат қилади, бу эса меҳнат шартларини яхшилаш ва жамиятдаги хавфсизликни оширишга ёрдам беради.

**Арманистон ЖК 157-моддаси** ҳам меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси қоидаларини бузишни жиноят сифатида белгилайди. Бу моддадаги диспозиция меҳнат хавфсизлиги бўйича масъул шахс томонидан қоидаларнинг бузилиши натижасида юзага келган салбий оқибатларни ўз ичига олади [2]. Диспозицияга кўра, агар техник хавфсизлик ёки меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилса ва бу натижасида:

- Жиддий ёки ўртача жиддий зарар: меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси қоидаларининг бузилиши натижасида инсоннинг саломатлигига жиддий ёки ўртача жиддий зарар етказилса, ёки у касб касаллигига дуч келса, бу ҳолат жиноят ҳисобланади. Бунда, масъул шахснинг ҳаракатлари нотижоратлик сабаблари билан зарар келтирган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилгани аниқ.

- одам ўлими: агар бу бузилиш натижасида инсон ўлишига сабаб бўлса, бу ҳолат янада оғирлашади. Ушбу ҳолатда, жиноий жавобгарлик жуда жиддий ҳисобланади.

Демак, ЖК 157-моддасидаги диспозиция меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликни белгилайди. Жавобгарлик даражаси ҳам жиноятнинг оғирлигига қараб белгиланади. Жиддий ёки ўртача зарар етказилгани учун жавобгарликка тортилган шахсга 200 дан 400 крат минимал меҳнат ҳақининг миқдорида жарима ёки икки йилгача мўлжалланган тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоланади. Агар бу ҳаракат инсоннинг ўлимига олиб келган бўлса, жиноий жазо 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади. Бундан ташқари, жиноят содир этган шахсни муайян лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазолаш имконияти ҳам мавжуд. Ушбу модда меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги қоидаларнинг бузилишининг салбий оқибатларини аниқ кўрсатади. Арманистон Жиноят кодексидаги 157-модда меҳнат муҳофазасини таъминлаш ва бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларга жиноий жавобгарликни жорий этиш орқали жамиятдаги хавфсизликни ва меҳнат муҳитидаги самарадорликни оширишга хизмат қилади.

**Беларусь Республикасининг ЖК 306-моддаси** меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузишни жиноят сифатида белгилайди. Ушбу моддадаги диспозиция меҳнат хавфсизлиги, санаториялар ва бошқа меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузиш натижасида юзага келадиган салбий оқибатларга эътибор қаратади [3]. Диспозицияга кўра, агар техник хавфсизлик, санитария ёки бошқа меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилса ва бу натижасида:

– Касб касаллиги ёки жиддий ёки баданга ўртача зарар етказилиши: меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилиши натижасида инсон профессионал касб касаллигига дуч келса ёки жиддий ёки баданга ўртача зарар етказилса, жинойий жавобгарлик юзага келади.

– Ўлим ёки бир неча шахсга жиддий зарар: Агар бу бузилиш натижасида инсон ўлишига ёки икки ва ундан ортиқ шахсга жиддий зарар етказилса, жинойий жавобгарлик янада оғирлашади.

Демак, ЖК 306-моддасидаги диспозиция ушбу ҳолатлар учун жинойий жавобгарликни белгилайди. Жавобгарлик даражаси ҳам жиноятнинг оғирлигига қараб белгиланади. Касб касаллиги ёки баданга зарар етказилиши ҳолатларида жинойий жавобгарликка тортилган шахсга жарима ёки икки йилгача тузатиш ишлари, уч йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин. Агар бу ҳаракат инсоннинг ўлимига олиб келган бўлса ёки икки ва ундан ортиқ шахсга жиддий зарар етказган бўлса, жинойий жазо озодликни чеклаш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади. Агар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида икки ва ундан ортиқ шахснинг ўлишига сабаб бўлса, жинойий жавобгарлик 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шу тариқа, Беларусь ЖКдаги 306-модда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш, шунингдек, қилмишларнинг ижтимоий хавфли оқибатларини аниқлаш орқали жамиятда хавфсизликни ва меҳнат муҳитидаги самарадорликни оширишга хизмат қилади.

**Қозоғистон ЖК 156-моддаси** меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни белгиланган. Ушбу моддадаги диспозиция техник хавфсизлик, санитария ва бошқа меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузиш ҳолатларини охириги оқибатларига қараб баҳолайди [4]. Ушбу моддадаги жинойий жавобгарлик даражалари, жиноятнинг содир этилиши билан боғлиқ ҳолатларга асосан белгиланади, бу эса унинг салбий оқибатларини аниқлашни талаб этади.

– Меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузиш: Қозоғистонда, агар техника хавфсизлиги ёки бошқа меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида ўртача ёки баданга жиддий зарар етказилса, жинойий жавобгарлик пайдо бўлади. Ушбу жиноятнинг биринчи қисми бўйича, агар баданга ўртача зарар етказилса, жавобгарлик жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жамоат ишларига жалб қилиш билан чегараланади.

– жиддий зарар ёки ўлим: агар жиноят натижасида жиддий зарар етказилса, жавобгарлик юқоридаги миқдоридаги жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки жамоат ишларига жалб қилиш, 50 кунгача қамоқ билан белгилаш мумкин. Агар жиноят инсоннинг ўлимига олиб келса, жавобгарлик бир неча йил давомида озодликдан маҳрум қилиш билан белгилаш мумкин.

Арманистон ва Беларусь қонунчилигидан фарқли равишда Қозоғистонда ушбу турдаги жиноят учун кўпроқ алтернатив санкциялар қўллаш имконияти яратилган. Шунингдек, ижтимоий хавфли оқибати оғирроқ бўлган қилмишлар учун (жумладан, одам ўлим ва ҳ.к.) ушбу давлатларга қараганда оғирроқ жазо чораларини назарда тутган.

Демак, Қозоғистон ЖК 156-моддаси меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, ушбу модда бошқа давлатлардаги аналоглари билан солиштирилганда, жиноятларнинг жавобгарлик даражаси, жиноятнинг оғирлиги ва зарар етказилишига қараб фарқланади. Фикримизча, бундай назария ва амалиёт меҳнат хавфсизлиги учун юксак даражадаги муҳофаза механизмларини яратиш ва жамиятда меҳнат муҳити хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Молдова ЖК 183-моддаси** меҳнат хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликни белгилайди [5]. Ушбу моддада кўрсатилган диспозиция

жиноятнинг содир этилиши, жавобгар шахслар ва уларнинг масъулиятини аниқ кўрсатиб беради. Диспозицияда меҳнат хавфсизлиги қоидалари бузилганда жавобгар бўлган шахслар аниқланади. Бу ерда жиноятни содир этган шахс, ҳар доим меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун масъул бўлган шахслар бўлиши керак. Уларнинг вазифаси меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлашдир.

Моддада техник хавфсизлик, ишлаб чиқариш гигиенаси ва бошқа меҳнат хавфсизлиги қоидалари назарда тутилади. Ушбу қоидаларнинг бузилиши – жиноят объектив томонинг дастлабки белгисидир. Агар жиноят натижасида инсонлар орасида салбий оқибатлар содир бўлса, бу моддага мувофиқ жиноят содир этилган бўлади. Диспозицияда фақатгина нохуш ҳолатларга, балки профессионал касалликлар ҳам киритилган. Ушбу ҳолатлар, жиноятни содир этган шахснинг амалиёти ва унинг натижалари орқали жиноятнинг оғирлигини аниқлашга ёрдам беради. Диспозицияда жиноятнинг оқибатлари кескин талаблар билан белгиланган. Агар жиноят натижасида инсон ўладиган бўлса, жавобгарлик бундан олдинги ҳолатлардан анча оғирлашади. Жиноят содир этган шахснинг ҳаракатлари ва у билан боғлиқ бўлган зарарлар орасидаги алоқа, бу ерда асосий ўрин тутади.

Демак, Молдова ЖК 183-моддаси диспозицияси меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш масъулиятини аниқ белгилайди. Ушбу модда доирасидаги жавобгарлик, ҳуқуқий субъектларнинг ҳаракатлари ва уларнинг натижалари орқали жиноятнинг оғирлигини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, диспозициядаги жиноятларнинг оқибатлари ва жавобгарлик даражалари, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

**Тожикистон ЖК 154-моддаси** таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарликни тартибга солади. Ушбу моддада хавфсизлик қоидалари ва меҳнат муҳофазаси бўйича қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгилаб қўйилган [6]. Жумладан, меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши, агар бу ҳолат бошқа шахсларнинг соғлиғига оғир ёки ўртача зарар етказишга ёки касбий касалликка олиб келса, жиноят содир этувчи шахс жавобгар ҳисобланади. Бу ҳолда жавобгарлик жарима, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан қамраб олинади. Агар бу ҳолат одамнинг ўлими ёки бир неча шахсга зарар етказилишига сабаб бўлса, айбдор шахс беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шунингдек, бундай шахс муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Агар ушбу қилмиш икки ёки ундан ортиқ одамнинг ўлимига сабаб бўлса, айбдор шахс уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш ҳамда муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Демак, Тожикистон ЖКнинг бу моддаси меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши ва ундан келиб чиқадиган жавобгарликни белгилайди. Ушбу модда бошқа давлатлар, масалан, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь ва Қозоғистон ЖК билан солиштирганда, меҳнат муҳофазасини мустаҳкамлаш ва жиноятларни аниқ таърифлаш учун самарали механизмларни таклиф этади.

**Россия Федерацияси ЖКда** меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши учун **143-моддада** жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддада меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш масъулияти юкланган шахслар томонидан техник хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилса ҳамда ушбу қилмиш натижасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етса, жиноят содир этилган ҳисобланади [7]. Бунда хавфсизлик қоидалари бузилиши одам ўлимига сабаб бўлиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган. Бундай қилмиш учун асосий жазодан ташқари айбдор шахсни муайян лавозимни эгаллашдан маҳрум этиш каби қўшимча жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Ушбу модда Россиянинг меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасидаги қатъий позициясини кўрсатади. Меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилишига қарши курашишда самарали механизмларнинг жамланиши мамлакатда меҳнат муҳитига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу модда бошқа давлатлардаги аналогик нормалар билан

солиштирганда, Россия Федерациясининг ишончиллиги ва етарли жавобгарликни таъминлаш борасида аниқ механизмларга эга эканлигини кўрсатади.

**Туркменистон ЖК 151-моддаси** меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилишига доир жиноий жавобгарликни белгилайди. Ушбу моддада техник хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш вазифаси юкланган шахс томонидан амалга оширилган ҳар қандай бузилиш, агар бу бузилиш натижасида одамнинг соғлиғига оғир зарар етса, жиноят ҳисобланади [8].

Агар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида одамнинг ўлишига олиб келса, жиноятчи беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Ушбу моддада жиноятчиларнинг муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқи чекланиши ёки белгиланган фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум этилиши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

**Украина ЖК 271-моддасида** меҳнат муҳофазасига оид қоидаларнинг бузилиши, шундан келиб чиқиб, жабрланувчиларга соғлиғига зарар етказилиши ҳолатлари кўзда тутилган [9]. Бу жиноятни содир этган шахс, агар у меҳнат муҳофазаси қоидаларига амал қилиш учун масъул бўлса, жиноий жавобгарликка тортилади. Шунингдек, моддада меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида келиб чиққан оқибатлар, масалан, одамларнинг ўлиши ёки бошқа оғир оқибатлар, алоҳида таърифланган. Бунинг ортидан, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилишнинг аҳамияти, жиноятларнинг олдини олиш, ва жабрланувчиларнинг соғлиғини муҳофаза қилишдаги жавобгарликни аниқлаш муҳимлиги таъкидланади. Диспозиция қисми меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва жамоатчиликни бу борадаги масъулиятга ундиш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Грузия ЖК 170-моддасида** техник хавфсизлик ва меҳнат муҳофазасига оид қоидаларнинг бузилиши, шунингдек, бу бузилиш натижасида соғлиғининг зарар кўришини таъминлаган шахснинг масъуллиги кўзда тутилган [10]. Агар шахс қоидаларга амал қилишда масъул бўлса ва бу масъулиятсизлик натижасида инсоннинг соғлиғига зарар етказилса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасида инсоннинг ўлиши ёки икки ва ундан ортиқ инсоннинг ўлишига олиб келган ҳолатлар учун оғирроқ санкциялар мустаҳкамланган. Бундай ҳолатларда, шахс учун жазо муддати узайтилади ва уларга муайян лавозимларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқи чекланади. Бу, жамоатчилик учун меҳнат муҳитида хавфсизлик ва ҳуқуқий масъулиятни таъминлашдаги муҳим ахборот ҳисобланади. Модда меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишидаги жавобгарликни аниқлаш, ёшларга хавфсизликни ўргатиш ва жамоатчиликни огоҳлантиришга хизмат қилади.

Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Украина ва Грузия давлатлари меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига доир жиноят кодекси моддаларини муфассал таҳлил қилиш, бу давлатларнинг юридик тажрибаси, меҳнат муносабатлари ва жамоат хавфсизлигига оид сиёсатини бир сўзда ифода этади. Ушбу мамлакатларда меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ жиноятлар ва уларга бериладиган жазо чоралари ўзаро ўхшашликлар ва фарқлар билан хосдир.

Ҳар бир мамлакатнинг кодексида меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилишининг аниқ ва қисқа тасвири берилган. Ушбу моддаларда техник хавфсизликни таъминлаш ва меҳнат жараёнида инсон соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича аниқ масъулиятлар белгиланган. Бунда иш берувчиларнинг ёки масъул шахсларнинг меҳнат қоидаларига риоя қилмаслиги натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар, яъни меҳнатдан жисмоний зарар ёки ўлим ҳолатлари таърифланган.

Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ҳар бир мамлакатда турли хил жазо чоралари билан белгиланган. Одатда, жавобгарлик юқори даражада бўлиб, жамоатчилик учун ўз хулқ-атворини ўзгартиришга мажбурлайди.

Ушбу давлатларда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этишни таъминлаш ва жиноятларни камайитириш учун миллий ва халқаро стандартларга мослашувни аниқлаш

муҳим. БМТнинг универсал ва минтақавий ҳужжатлари, масалан, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенциялари ҳар бир давлатда мослашуви ва қабул қилиниши керак. Бу нафақат жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги, балки иқтисодий ривожланиш учун ҳам зарур.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова, Тожикистон, Россия Федерацияси, Туркменистон, Украина ва Грузияда меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш жиноят кодексида муфассал таърифланган. Бу давлатлар орасида умумий ёндашув, меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилиши натижасидаги жавобгарликни аниқлашда ҳам, жавобгарлик шаклларини белгилашда ҳам кўзга ташланади. Бироқ, жавобгарлик миқдори ва жазо чоралари давлатлараро фарқлар билан ҳосдир. Ушбу давлатлар БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича стандартларни мустаҳкамлашлари керак, бу эса соғлиқни сақлаш, иш берувчилар ва ишчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ). (Criminal Code of the Republic of Azerbaijan (approved by the Law of the Republic of Azerbaijan dated December 30, 1999 No. 787-IQ).) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30420353#pos=6;-145](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=6;-145)
2. Уголовный кодекс Республики Армения от 29 апреля 2003 года № 3P-528. (Criminal Code of the Republic of Armenia dated April 29, 2003 No. 3P-528.) // [www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show](http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show)
3. Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-3. (Criminal Code of the Republic of Belarus dated July 9, 1999 No. 275-3.) // [www.online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30414984&pos=511;-60#pos=511;-60](http://www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984&pos=511;-60#pos=511;-60)
4. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V. (Criminal Code of the Republic of Kazakhstan of July 3, 2014 No. 226-V.) // [www.online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252&pos=5;-108#pos=5;-108](http://www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=5;-108#pos=5;-108)
5. Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV. (Criminal Code of the Republic of Moldova of April 18, 2002 No. 985-XV.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30394923#pos=6;-143](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=6;-143)
6. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574. (Criminal Code of the Republic of Tajikistan of May 21, 1998 No. 574.) // [www.continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397325#pos=8;-145](http://www.continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=8;-145)
7. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 № 63-ФЗ. (Criminal Code of the Russian Federation of June 13, 1996 No. 63-FZ.) // [www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)
8. Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года № 222-I. (Criminal Code of Turkmenistan of June 12, 1997 No. 222-I.) // [www.online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31295286](http://www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286)
9. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III. (Criminal Code of Ukraine of April 5, 2001 No. 2341-III) // [www.online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30418109&pos=8;-108#pos=8;-108](http://www.online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=8;-108#pos=8;-108)
10. Уголовный кодекс Грузии (утвержден Законом Грузии от 22 июля 1999 года № 2287). (Criminal Code of Georgia (approved by the Law of Georgia of July 22, 1999 No. 2287)) // [www.matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=253](http://www.matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=253)



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

9 ЖИЛД, 12 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 9, НОМЕР 12

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 9, ISSUE 12

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Тадқиқот город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000